

Рабиул аввал: биз бу ой ҳақида нималарни биламиз?



10:07 / 04.09.2024 20244

Бугун, қуёш чиққани ҳамон, биз мусулмон тақвимининг энг аҳамиятли оyi – Рабиул аввалга кириб келдик. Ислон тарихида ушбу муқаддас ойда бутун умматимиз учун энг аҳамиятли воқеа – Аллоҳ яратган барча махлуқотларнинг энг шарафлиси ва маҳбуби, У Зотнинг ҳузурида энг мукаррами ва азизи, бизнинг севимли пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам туғилган – Мавлид ойдир.

Рабиул аввал бу – Аллоҳнинг марҳамати билан мукамал кўринишда бутун инсониятга ислон динини тарқатган, бутун инсониятга Яратгувчининг энг охирги Элчисини ҳадя этган ой. 40 йилдан кейин Аллоҳ таоло Пайғамбар мавқеини ато этган гўдак Муҳаммад 571 йил Рабиул аввал оyiнинг 11 ва 12 куни ўртасида туғилган, деб ҳисоблаш қабул қилинган. Расулulloҳ

соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу дунёни тарк этишлари ҳам шу ойда рўй берган. Биз бугун кутиб олган ушбу муқаддас ойда мусулмонлар учун катта аҳамиятга эга бўлган яна бир қатор воқеалар юз берган. Бу, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳижратга йўл олганлари, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Руқайя розияллоҳу анҳонинг туғилишлари, биринчи масжиднинг бунёд этилиши ва биринчи жума намозининг ўқилишидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туғилишлари инсониятга ҳадя этилган Аллоҳ таолонинг энг буюк марҳаматларидан бири ҳисобланади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади: **«(Эй, Муҳаммад) Биз сени фақат оламларга раҳмат қилиб юбордик»** («Анбиё» сураси, 107-оят). Шунинг учун Рабиул аввал ойи Аллоҳ таолонинг бу буюк неъматига саловотлар айтиш ойи ҳисобланади. Рабиул аввал ойи давомида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаёт йўллари ҳақида маърузалар қилиш, Расули Акрамни улуғлаб салавотлар айтиш билан мажлислар ўтказиш қабул қилинган. Ахир Аллоҳ таолонинг ўзи «Аҳзоб» сурасининг 56-оятда бизларни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шарафига саловот айтишга чақиради **«Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари Пайғамбарга саловот айтурлар. Эй иймон келтирганлар! Сиз ҳам унга саловот айтинг ва салом юборинг»**. Ушбу ойни ўзингиз учун ўзгача қилинг: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари, уларнинг яхши фазилатларини ўрганинг, уларнинг ҳадисларини ўқинг, кўп саловотлар айтинг, кундалик ҳаётингизнинг ҳар бир соҳасида суннатга жон бахш этиб, ибодатларингизни зиёда қилинг.

***Islom.uz* портали таҳририяти**